

Ақийда дарслари (35-дарс). Ҳеч кимнинг аҳли жаннат ёки аҳли дўзах эканлигига ишонч билан ҳукм қилинмайди



13:45 / 27.05.2019 6488

Ва гўзал амал қилувчи мўминларни Аллоҳ таоло афв этиб, Ўз раҳмати ила жаннатга киритишини умид қиламиз ва улар ҳақида хотиржам бўла олмаймиз, жаннатга киришларига гувоҳлик бера олмаймиз. Ёмонлари учун эса истиғфор айтамиз, улар ҳақида қўрқамиз ва уларни ноумид қилмаймиз.

Шарҳ: Аллоҳ таоло яхши амал қилувчи мўминларни афв этиб, уларни амаллари билан эмас, Ўз раҳмати ва фазли ила жаннатга киритишини умид қиламиз.

Улар Аллоҳнинг иқобидан қутулганлар, деб хотиржам бўлмаймиз. Улар аҳли жаннатдирлар, деб кескин айтмаймиз. Фалончи аҳли жаннатдандир, деб гувоҳлик ҳам бермаймиз. Фақат Аллоҳ таоло ва Унинг Расули башорат берган бўлса, гувоҳлик берамиз.

Мўминлардан ёмонлик қилганлари учун истиғфор айтамиз. Уларга мағфират тилаб дуо қиламиз. Уларга Аллоҳнинг азоби бўлишидан қўрқамиз. Уларга «Сиз дўзах аҳлисиз», деб айтмаймиз. Уларни Аллоҳ таолонинг раҳматидан ноумид қилмаймиз.

Далиллар:

رَحْمَتَهُ، وَيَرْجُونَ أَقْرَبَ إِلَيْهِمُ الْوَسِيلَةَ رَبِّهِمْ إِلَىٰ يَبْنَغُونَ يَدْعُونَ الَّذِينَ أُوتِيكَ

مَحْذُورًا كَانَ رَبِّكَ عَذَابَ إِنَّ عَذَابَهُ وَيَخَافُونَ ﴿٥٧﴾

1. «Ана ўша дуо қилаётганлари Роббларига васила ахтарурлар, қайсилари яқинроқ эканини (билмоқчи бўлиб). Ҳамда, У Зотнинг раҳматини умид қилурлар. Азобидан қўрқурлар. Албатта, Роббинг азоби ҳазир бўлишга лойиқдир» (Исро сураси, 57-оят).

مُؤْمِنِينَ كُنْتُمْ إِنْ وَخَافُونَ تَخَافُوهُمْ فَلَا ﴿١٧٥﴾

2. «Бас, агар мўмин бўлсангиз, улардан қўрқманглар, Мендан қўрқинглар» (Оли Имрон сураси, 175-оят).

فَاتَّقُونِ وَإِيَّيَ ﴿٤١﴾

3. «Мендангина тақво қилинг» (Бақара сураси, 41-оят).

وَخَافُونَ تَخَافُهُمْ فَلَا

4. «Улардан қўрқманглар, Мендан қўрқинглар» (Оли Имрон сураси, 175-оят).

أُولَئِكَ اللَّهُ سَبِيلٌ فِي وَجْهَهُدُوا هَاجِرُوا وَالَّذِينَ آمَنُوا الَّذِينَ إِنَّ

رَحِيمٌ غَفُورٌ وَاللَّهُ رَحِيمٌ يَرْجُونَ ﴿٢١٨﴾

5. «Албатта, иймон келтирган, жиҳод қилган ва Аллоҳнинг йўлида ҳижрат қилганлар, ана ўшалар, Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўладилар. Аллоҳ мағфиратли, раҳмли Зотдир» (Бақара сураси, 218-оят).

6. Аллоҳ таолонинг «Ўзларига берилган нарсадан қалблари титраган ҳолда берурлар», деган оятининг тафсирида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтган сўзлари: «**Лекин одам рўза тутуди, намоз ўқийди, садақа қилади ва ундан қабул қилинмай қолишидан қўрқади**» (Термизий ва Аҳмад ривоят қилишган).

Тааммул қилиб кўринг-чи, иймонлари бўла туриб, мазкур тоатларни қила туриб, умидворликлари қандай бўлмоқда? Умидворлик Аллоҳ таолонинг ҳикмати тақозо қилган сабаблар келтирилгандан кейингина бўлади. Агар бир одамнинг ери бўлса-ю, ундан ҳосил олиш ниятида бўлса, аммо ерни ҳайдамай, уруғ сепмай, худди ерни ҳайдаб, ишлов бериб, уруғ сепиб, парвариш қилган одам оладиган ҳосилни олмоқчи бўлса, одамлар уни энг

аҳмоқ кимса ҳисоблайдилар.

“Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар” китобидан